



## ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРЕДМЕТИ

Олимова Фарида Шухрат қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси  
210-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131378>

### ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025  
Accepted: 18th March 2025  
Published: 30<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

### ABSTRACT

*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг кўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.*

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

<sup>1</sup> Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-2833-сон қароридида мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқий баҳолашда жиноят предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят предметининг барча белгиларини ўрганиш жиний тажовуз объектини, жиноятларнинг моҳияти ва йўналтирилганлигини тўғри аниқлаш имконини беради. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг предмети сифатида гиёҳвандлик воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорлар кўрсатилган. Ушбу предметларнинг тушунчалари амалдаги Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларда келтирилган. Жумладан, Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимига мувофиқ: – гиёҳвандлик воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган препаратлар ва ўсимликлар; – гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар; – психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

<sup>2</sup> Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

Ҳуқуқбузарликнинг вужудга келишига эътибор қаратадиган бўлсак, у давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган даврда вужудга келган. Шуниси эътиборлики, ҳуқуқбузарлик кўлами муайян бир макон ва замонда ўзиучун яратилган “шарт-шароитларга” боғлиқ равишда ҳар хил даражада яъни у паст ёки юқорида даражада намоён бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тарихда ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Биз аввало, “ҳуқуқбузарлик” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, олимларимиз томонидан ушбу тушунчанинг мазмуни бўйича қатор мунозарали ёндашувлар, фикрлар илгари сурилган.<sup>3</sup>

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида тадқиқотлар ўтказган олимлар И.Исмаилов ва М.З.Зиёдуллаевларнинг фикрича ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади<sup>4</sup>

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) -қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади<sup>5</sup>

БМТнинг 2024 йилги гиёҳванд моддалар бўйича жаҳон ҳисоботида қайд этилишича, дунёнинг 154 давлатида марихуанна, 57 мамлакатда эса кўкнори етиштирилиши таъкидланган. Бу кўрсаткич АҚШда аҳолининг 6 фоизини ташкил этса, Буюк Британия ва Мўғулистон каби давлатларда 5 фоиздан юқорилиги аниқланган. Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунгахилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг интернет ижтимоий тармоғида махсус гуруҳлар, шифрланган мессенжерлар, реклама кўринишидаги постлар, даркнет орқали криптовалюталардан фойдаланган ҳолда махфий етказиб бериш тизими, автоматлаштирилган савдо ботлари ва махсус мобил иловалар ёрдамида амалга ошириляётганлиги, бу жиноятлар кўламининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Жиноятчилар томонидан замонавий технологияларнинг қўлланилиши, VPN ва прокси-серверлардан фойдаланиш орқали ўз шахсини яшириш, шифрланган мессенжерлар орқали мулоқот қилиш, тўловларни криптовалюталарда амалга ошириш каби усуллардан фойдаланиши гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этаётган шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан фош этишда, тергов органи томонидан исботлаш билан боғлиқ жараёнларда қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бундай мураккаб вазиятда қонунчилик базасини такомиллаштириш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш, рақамли далилларни тўплаш ва расмийлаштириш методологиясини такомиллаштириш, шунингдек жиноятларни тергов қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш орқали соҳа амалиётини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда. Илмий тадқиқотларнинг дастлабки босқичида ўрганиляётган муаммонинг тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу қоида фан

<sup>3</sup> Адиллов. Б. Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й

<sup>4</sup> Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий кўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);

<sup>5</sup> Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)

методологиясининг асосий талабларидан бири сифатида эътироф этилади. Атама ва тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш, назарий изланишлар билан бирга амалий фаолиятда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш жиноятларини тергов қилишни тадқиқ этишда ҳам ушбу соҳага оид тушунчаларнинг ҳуқуқий мазмуни, уларнинг ўзаро нисбати ва фарқли жиҳатларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, “гиёҳванд” ва “гиёвандлик” атамаларининг параллел равишда қўлланилиши ҳуқуқ нормаларини талқин қилиш ва амалиётда қўллашда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу ҳолат, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил

20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни иловасидаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти”нинг 3-параграф 39-бандига зид. Мазкур бандда “Қонун нормалари бошқа қонун нормалари билан ўзаро боғлиқ бўлиши, қонун нормаларининг таърифи бошқа қонунларда қўлланиладиган таърифлар билан бир хил баён этилиши лозимлиги белгиланган”. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мазкур икки атамани баён этилишига қарайдиган бўлса, 24 та ҳолатда “гиёҳванд”, 30 та ҳолатда эса “гиёвандлик” атамаси ишлатилган. Шу жумладан, ЖКнинг 276-моддасида ҳам “гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш” жумласида “гиёвандлик” сўзи қўлланилган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги

813-И-сон Қонунида эса 146 та ҳолатда “гиёҳвандлик” тушунчасидан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил

28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарорида 87 та ҳолатда “гиёҳвандлик” ибораси қўлланилган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу атаманинг турлича ёзилиши ва қўлланилиши унинг ҳуқуқий аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, бу тушунчанинг аниқ ва ягона таърифига бўлган эҳтиёжни яққол намоён этади.

Бу ҳолат қонунчиликда терминологик бир хилликни таъминлаш зарурлигини тасдиқлайди. Гиёҳвандлик атамаси этимологик жиҳатдан “гиё(ҳ)” сўзи билан бевосита алоқадор. Изоҳли луғатларда бу атама икки маънода, яъни “...набобот, ўт, ўсимлик ҳамда ўсимликлар ширасидан олинадиган наркотик моддалар (наша, қорадори кўкнори ва бошқалар) билан боғлиқ” эканлиги қайд этилган. Қомусий луғатларда бу тушунчага тўғридан-тўғри таъриф берилмаган бўлса-да, бироқ матнларда “гиёҳвандлик” ибораси қўлланилган. Ҳуқуқшуносолимлар орасида “гиёҳ” тушунчасининг ҳуқуқий талқини бўйича турли қарашлар мавжуд. Л.М.Каримова “гиёҳ” тушунчаси ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ таърифланмаганини, бироқ у кўпинча муҳофаза қилиниши лозим бўлган табиий объект сифатида қаралишини таъкидлайди. З.М.Исломов ҳам шунга ўхшаш фикр билдириб, “гиёҳ” атамаси ҳуқуқий маънода кўпинча табиий ресурслар контекстида кўриб чиқилишини ва унинг муҳофазаси экология ҳуқуқининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини қайд этади. Б.Т.Мусаев, Н.А.Шермухамедова, О.К.Худойбергенов каби олимлар ҳам шу йўналишдаги фикрларни илгари суришган. Бироқ юқорида келтирилган олимларнинг фикрлари асосан экология соҳасига тегишли бўлиб, гиёҳвандлик атамасининг ҳуқуқий жиҳатларини тўлиқ қамраб олмайди. Бу борада Ф.Ҳ.Отахонов ва Д.А.Баҳриддиновларнинг “гиёҳ” атамаси ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ таърифга эга эмаслиги, бу эса уни турли соҳаларда

турлича талқин қилинишига олиб келиши ҳақидаги фикрлари ўринли деб ҳисобланади. Мазкур масала юзасидан илмий доираларда турли фикрлар мавжуд бўлиб, тилшунослик соҳаси вакилларида А.П.Ҳожиёв, Ш.Р.Раҳматуллаев ва Н.М.Маҳмудовларнинг тадқиқотларида “гиё” ва “гиёҳ” сўзларининг этимологик илдизи бир эканлигини кўрсатади. Бу икки сўз ўртасида ягона тафовут фақат “ҳ” товушининг қўлланилишида намоён бўлади. Олимларнинг фикрига кўра, “гиё” сўзи кўпроқ бадий матнларда, шеърият, насрда қўлланилса, “гиёҳ” сўзи расмий услубга хослиги билан ажралиб туради. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатларда айнан гиёҳ сўзидан фойдаланиш нафақат лингвистик, балки юридик -техник жиҳатдан ҳам тўғри эканлигини тасдиқлайди. Фикримизча, илмий манбаларда “гиёҳ” асосига “банд” (боғлиқ, қарам) қўшимчаси қўшилиб, “гиёҳванд” сўзи ҳосил қилинган. Бу эса ўсимликка қарамлик, боғлиқлик маъносини англатади. Этимологик жиҳатдан “гиёҳвандлик” тушунчасининг асл илдизи ва маъноси айнан шу тарзда шаклланиган. Мазкур ҳолат тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам “гиёҳвандлик” терминининг қўлланилиши тўғри эканлигини кўрсатади. Бундай илмий ёндашув қонунчиликда “гиёҳвандлик” атамасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Чунки расмий-ҳуқуқий ҳужжатларда сўзларнинг услубий жиҳатдан тўғри танланиши ҳуқуқий нормаларнинг аниқ ва тўғри талқин этилишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу илмий қарашлар ва амалдаги қонунчилик таҳлили асосида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида келтирилган моддаларда “гиё” сўзи ўрнига “гиёҳ” сўзини қўллаш орқали “гиёҳвандлик воситалари” атамасини ягона шаклда ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгартириш қонунчиликда терминологик бир хилликни таъминлаш ва ҳуқуқий тушунчалар изчиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги кунда интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ кибержиноятлар сони тобора ортиб бормоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрда қабул қилган резолюциясига биноан ҳар йили 26 июнда Халқаро гиёҳвандлик ва бангифурушликка қарши кураш куни (International Day against Drug Abuse and Illicit Trafficking) нишонланади. Таҳлилчиларнинг фикрича, гиёҳванд моддаларнинг кенг тарқалиши бир қатор ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Жумладан, демографик фожеаларни келтириб чиқаради, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда жиноятчилик кўзга ташланади. БМТ Бош Ассамблеясининг тан олишича, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, жаҳонда гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси муаммолигича қолмоқда. Бу муаммо ҳамон жиддий таҳдид сифатида кўрилади. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилатган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боисдан, гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида, БМТ томонидан „Наркотик моддалар тўғрисида“ги, „Психотроп моддалар“ ҳамда „Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида“ги конвенциялар қабул қилинган. Маълумотларга кўра, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар орасида қайд этиладиган ўлимларнинг 1,3 фоизи гиёҳвандлик оқибатида юз берар экан. Бир йилда 211 мингта ўлим айнан гиёҳвандлик оқибатида келиб чиқади. Европада гиёҳвандлик оқибатида ҳалок бўлаётганларнинг ўртача ёши 35 ёшни ташкил қилади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда гиёҳвандлик оқибатида 1,6 миллион киши ВИЧга мубтало бўлади. 7,2 миллион киши эса гепатит С вирусини юқтириб олади. 1,2 миллион киши гепатит В вирусига чалинади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ хасталикларга учраганлар сони дунё бўйича 29 миллион кишидан ортиб кетган. Гиёҳванд моддалар истеъмоли сўзсиз аҳоли соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига таҳдид сифатида кўрилади. Бир қатор

мамлакатларда бу иллат жамиятнинг барқарор ривожланишига халақит бераётганидан асло кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, гиёҳвандларни даволаш учун катта миқдорда маблағлар сарфланади. Бу маблағлар давлат бюджетидан ажратилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда ҳар олти гиёҳванднинг биттаси даволаниш имкониятига эга экан. Уларни даволаниши учун бир йилда ўртача 35 миллиард доллар сарфланади. Уларни даволаш учун ажратиладиган сарф-харажатлар ўз йўлига. Аммо уларнинг жамият ҳаётига таҳдид солишларини ҳам асло ёддан чиқариш керак эмас. Шу сабабли ҳам гиёҳвандлар соғлиқни сақлаш тизимидан ташқари ижтимоий ҳаётга ҳам муаммо яратувчи сифатида тан олинади. Гиёҳвандликка қарши кураш доирасида гиёҳванд моддаларни ноқонуний савдосига чек қўйиш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Трансмиллий гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, жумладан Интерпол, Жаҳон Божхона ташкилоти каби ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритишмоқда. Экспертларнинг фикрича, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдо айланмаси бир йилда 300 миллиард доллардан 800 миллиард долларни ташкил қилади. Гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчилик Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий барқарорлигига катта хавф солмоқда. Гиёҳвандлик замонавий ҳаётнинг энг хавфли кўринишларидан бири ҳисобланади. Ҳар куни гиёҳвандлик деб аталмиш кўрқинчли қармоққа минглаб одамлар тушиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз ортидан бошқа қора иллатларни ҳам етаклаб юрадиган гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз 1995 йил февраль ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги —Наркотик моддалар тўғрисида||ги Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги —Психотроп моддалар тўғрисида||ги ҳамда 1988 йилдаги —Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида||ги Конвенцияларига аъзо бўлган. Бундан ташқари, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг —Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида||ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга зид равишда муомалада бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши жиноий жавобгарлик белгиланган. Мамлакатимизда гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмолига қарши кескин чоралар кўрилатган бўлса-да, бугун гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши энг хатарли ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Гиёҳфурушлар янги усул ва найранглари қўллаб, захри қотилни сотиш ҳаракатларини давом эттиришмоқда. Улар манфур мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳали дунёқараши шакланмаган, ўзгалар таъсирига тушиб қолишга мойил ёшлар умрига зомин бўлишмоқда. Ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни салбий таъсирлардан сақлаш, энг хавфли жиноятлардан бири ҳисобланган, инсоният томонидан Аср вабоси деб тан олинган гиёҳвандлик иллатига қарши кураш, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни бу иллат домига тушиб қолишларини олдини олиш олдимизда турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда бугунги кунда ёшлар ўртасида анъанавий гиёҳвандлик моддаларидан воз кечиб, айниқса, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Ҳозирги ёшларда трамадол ва янги пайдо бўлган тропикамид дорилари истеъмоли ҳам кучаймоқда. Улар таъсирида эса ёшлар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган „Трамадол, —Налбуфин, ва ҳ.к.) психафаол (—Лирика||,—Регепен||, —Галара|| ва ҳ.к.) дори воситаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг учраб туриши ҳамда ёшларимизнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб

етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган бўлишига қарамай наркотик моддалар биланбоғлиқ жиноятларни содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир. Гиёҳвандликка мубтало бўлиш нафақат бир шахснинг муаммоси балки, уларнинг оиласи, жамият учун ҳам бош-оғриғидир. Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида гиёҳвандликка қарши кенг қамровли кураш олиб борилоқда. Унинг учун турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда ижтимоий рекламалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Энг муҳими соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Инсоният таррақиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажакка таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб келмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммога айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатларaro ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўтган асрдан бизга — мерос|| бўлиб қолган трансмиллий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури инсоният келажакка хавф солиб келмоқда. Хусусан халқaro терроризм, дин ниқоби остидаги экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик ҳуружлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш (наркобизнес), одам савдоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ер юзидаги наркобизнесда айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўплиги билан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Дунё бозорида тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Ғарбга етказишга бўлган уриниш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қараб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар ва халқaro шартномалар қабул қилинди.

#### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, дунёқараши эндигина шаклланиб бораётган, бор куч-ғайратини фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган бир пайтда, ўсмирларни алдов йўли билан гиёҳвандлик қурбонига айлантираётган кимсалар озми? Қанчадан-қанча оилаларнинг ёстиғини қуритаётган гиёҳвандликка қарши ҳар бир инсон ўзи курашмоғи, ташқи таъсирлардан ҳимояланмоғи лозим. Вояга етаётган фарзандларимиз ўтмиши қадим, тупроғи олтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни мана шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, ҳеч қанақа ташқи салбий ҳуружлар ва қора иллатлар ўпқони уларни ўзига жалб қила олмасин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги —Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз|| номли нутқи. — Янги Ўзбекистон газетаси, 2021 йил 8 ноябрь сони.
2. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — 656 б.

3. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 166 (539) б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ А. Мадвалиев таҳрири остида. Бешинчи жилд. Т.: 2008, 291-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун.
6. Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик/ И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 531
7. Ўзбекистон Республикасининг –Ички ишлар органлари тўғрисида||ги Қонуни.
8. <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/drug-use-by-country>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-682-сон [Электрон манба:  
10. <https://lex.uz/docs/5378966> мурожаат вақти 01.01.2022 йил]
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. –Г ҳарфи / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2020. –Б. 500.
12. Юридик энциклопедия: 3,5 мингга яқин юридик атама ва иборалар. –Г ҳарфи / Масъул муҳаррир У.Таджиханов. Т.: Шарқ нашриёти, 2001. –Б. 65-66.
13. Гришко А.Я. Наркопреступность: теоретические и практические аспекты противодействия: учебное пособие/Рецензенты: д.ю.н., проф. Н.А.Лопашенко, д.ю.н., проф. В.П.Малков. –М.: Проспект, 2022. –С. 234-235.
14. Фесенко Е.В. Правовые основы противодействия незаконному обороту наркотических средств: монография/Отв.ред. д.ю.н., проф. А.И.Рарог. –М.: Норма, 2023. – С. 178-179.
15. Усмонов М.Х. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари: монография. –Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2023. –Б. 145-146.
16. Ахроров Б.Б. Ноқонуний наркотик моддалар айланмасига қарши курашиш: назария ва амалиёт муаммолари: монография/ Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Ф.Тоҳиров, ю.ф.д., проф. М.Рустамбоев. –Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2022. –Б. 178-179.
17. Адиллов Б. Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й
18. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);
19. Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)